

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ДАМИНОВА КАМОЛА МАРАТОВНА

**ЭКСТРАРЕНАЛ ЎЗГАРИШЛАРНИ ХИСОБГА ОЛГАН ХОЛДА
СУРУНКАЛИ БУЙРАК КАСАЛЛИГИ КЕЧИШИНИ
ДИАГНОСТИКАСИ ВА БАШОРАТЛАШНИ МУҚОБИЛЛАШТИРИШ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Science (DSc)

Даминова Камола Маратовна

Экстраренал ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда
сурункали буйрак касаллиги кечишини диагностикаси ва
башоратлашни муқобиллаштириш..... 3

Даминова Камола Маратовна

Оптимизация диагностики и прогнозирование
течения хронической болезни почек с
учетом экстраренальных нарушений..... 31

Daminova Kamola Maratovna

Optimization of diagnosis and prediction of the course
of chronic kidney disease taking into account
extrarenal disorders..... 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 63

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ДАМИНОВА КАМОЛА МАРАТОВНА

**ЭКСТРАРЕНАЛ ЎЗГАРИШЛАРНИ ХИСОБГА ОЛГАН ХОЛДА
СУРУНКАЛИ БУЙРАК КАСАЛЛИГИ КЕЧИШНИ
ДИАГНОСТИКАСИ ВА БАШОРАТЛАШНИ МУҚОБИЛЛАШТИРИШ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2021.3.DSc/Tib593 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (узбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Сабирий Максуд Атабаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Каримов Мирвосит Мирвосиқович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Жаббаров Азим Атаханович
тиббиёт фанлари доктори

Абдуллаев Шерзод Сайдуллаевич
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ошириш маркази

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 15 август соат 12 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109 Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кучаси 2-уй. Тел/факс: (+998 78) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (~~С/К~~ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кучаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2022 йил « 1 » сентябр да тарқатилди.

(2022 йил « 1 » сентябр даги 21 рақамли реестр баённомаси).



А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д. А. Набиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

А.Л. Аляви

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сурункали буйрак касаллиги (СБК) - бу чуқур ижтимоий-иқтисодий оқибатларга олиб келадиган, унинг аҳоли орасида кенг тарқалиши (аҳолининг 10-15%), буйрак етишмовчилигининг терминал босқичи ривожланиши ва юрак-қон томир асоратлари, туфайли ногиронлик ва ўлимга олиб келадиган, буйрак функцияси бузилган беморларда эса хавфи ўн баробар ортадиган умумий тиббий муаммо бўлиб ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра «...буйрак касалликлари аҳоли орасида сезиларли даражада тарқалиши, ҳаёт сифатининг кескин пасайиши, беморларнинг юқори ўлим даражаси туфайли муҳим ўрин тутди ва терминал босқичда буйрак ўрнини босувчи терапиянинг қиммат усуллари - диализ ва буйрак трансплантациясини қўллаш заруриятига олиб келади...»¹. Бугун жаҳон миқёсида сўнгги 15-20 йил ичида ўринбосар буйрак терапиясини оловчи беморлар сонини 4 - 5 бараварга ошган. СБК эрта ташхислаб профилактика ва даво чораларини эрта бошлаш СБК кейинги босқичларига ўтишини секинлаштиради, бу билан ўрин босувчи терапияга мухтож беморлар сонининг камайишига, диализ олди босқичини узайишига эришилади.

Жаҳонда ҳозирги кунда СБКни аниқлаш тактикаси бўйича барча миллий тавсиялар унинг лаборатор белгиларини фақат унинг ривожланиши учун хавф омиллари бўлган одамларда аниқлашни белгилайди. СБКни аниқлашнинг бир неча усуллари мавжуд бўлиб, улар орасида турли касалликлар бўйича текширувдан ўтаётган беморларда СБК белгиларини аниқлаш киради. Шу билан бирга, Соғлиқни сақлаш бирламчи бўғинида СБК ташхислашда махсус усуллар, яъни албуминурия (АУ) ни аниқлаш, коптокча фильтрация тезлигининг (КФТ) пасайиши ҳисобга олинмайди, бу сурункали буйрак касаллигини гиподиагностикасига олиб келади. Бугунги кунда юқумли бўлмаган сурункали касалликларга чалинган беморларни эрта аниқлашга қаратилган кучли профилактика тизими мавжуд. СБКни аниқлашнинг яна бир муҳим усули шартли-соғлом аҳолини режали равишда текширувдан ўтказиб туриш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббиётни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва аҳолининг ижтимоий ҳимоялашга қаратилган қатор вазифалар белгиланган «...тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий этиш, диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар аҳолида буйрак касалликларини

¹ Ritz E, McClellan WM: Overview: increased cardiovascular risk in patients with minor renal dysfunction: an emerging issue with far-reaching consequences. J Am Soc Nephrol 2004;15:513-516.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали СБКнинг эрта босқичларида беморларни аниқлаш ва ихтисослаштирилган муассасалар билан ўзаро алоқа механизмлари ишини сезиларли даражада яхшилайти, бу эса аҳолига ихтисослаштирилган нефрологик ёрдам кўрсатишда миллий тиббиёт даражасини сифат жиҳатидан Ўзбекистоннинг жаҳон андозалари даражасида яхшилашга ҳақиқий имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон фармони, «Ўзбекистон Республикасининг бирламчи соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 29 мартдаги ПҚ-2857-сон қарори, «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон қарори, «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига нефрологик ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 12 июлдаги ПҚ-3846-сон қарори, «Юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари» 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сон қарори ҳамда ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий ҳужжатларда кўзда тутилган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.³

Замонавий тиббиётда кўплаб тадқиқотлар СБК ривожланиши ва авж олиши масалаларига қаратилган. ЖССТ маълумотларига кўра (дунёда юқумли бўлмаган касалликлар ҳолати тўғрисидаги ҳисоботда) буйрак касаллиги юқумли бўлмаган муҳим касаллик сифатида тавсифланган. Тарихий жиҳатдан, бу муаммоларни ҳал қилиш учун биринчи уриниш ХХI асрнинг бошларида АҚШ Миллий Буйрак Жамғармаси (National Kidney Foundation – NKF) томонидан бошланган. Буйрак касалликлари диагностикаси ва даволаш бўйича кўплаб нашрларнинг таҳлили, бир қатор кўрсаткичларнинг башоратли роли, терминологик тушунчалар сурункали буйрак касаллиги (СБК – chronic kidney disease – СКД) тушунчасининг асосини ташкил этди. Кейинчалик ушбу моделни ишлаб чиқишда Европа буйрак ассоциацияси - Европа диализ ва трансплантация ассоциацияси ERA-

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: www.pub.med.com, www.bmcnephrol.biomedcentral.com, www.med-rf.ru, www.ean.org, www.umassmed.edu, www.kdigo.org, www.nephro.ru, www.asn-online.org, www.karger.com ва бошқа манбалар асосида амалга оширилган.

EDTA) ва KDIGO (Kidney Disease: Improving Global Outcomes) мутахассислари иштирок этишди.

СБК тарқалганлиги юқори бўлиб, ўз навбқтиди қандли диабет, артериал гипертензия, юрак етишмовчилиги каби ижтимоий аҳамиятга эга касалликларнинг тарқалишидан кам эмас. Қўшма Штатларда бу 14% ни ташкил қилиб, буйрак касаллиги эса ўлим сабаблари таркибида 4-ўринни эгаллайди. Турли қитъаларда этник таркиби ва иқтисодий ривожланиши турлича бўлган мамлакатларда ўтказилган тадқиқотларга кўра, СБК белгилари аҳолининг 12-18 фоизида, энг ноқулай 3-5 босқичдаги СБК белгилари эса аҳолининг 5,9-8,1 фоизида кузатилади (Японияда - 18,7% гача). Шундай қилиб, Ер юзининг камида ҳар ўнинчи аҳолисида СБК белгилари мавжуд.

Шу билан бирга, ультратовуш текшируви пайтида буйраклардаги ўзгаришлар аҳолининг камида бир неча фоизида, Яқин Шарқ мамлакатларида - сўралганларнинг 25 фоизигача топилади. Norris K. et al. ҳозирги вақтда сурункали буйрак патологияси билан оғриган беморларнинг тобора ортиб бораётгани пандемия характерини касб этмоқда, деган фикр билдирган. Турли қитъаларда этник таркиби ва иқтисодий ривожланиши турлича бўлган мамлакатларда ўтказилган тадқиқотларга кўра, СБК белгилари аҳолининг 12-18 фоизида, СБК босқичлари эса энг ноқулай бўлган С3-С5 босқичларида - 5,9-8,1% аҳоли фоизда (Японияда 18,7% гача) кузатилади. NHANES тадқиқоти шуни кўрсатдики, буйрак дисфункциясининг тарқалиши умумий аҳоли орасида 5% га этади ва ушбу муаммонинг кейинги таҳлили (NHANES III тадқиқоти) 20 ёш ва ундан катта ёшдаги 15 625 киши орасида барча босқичлардаги СБК тарқалиши 14% га етганини кўрсатди. АҚШ аҳолиси сони бўйича бу 19,2 миллион киши. Уларнинг 3,3 фоизида I босқичда СБК, 3,0 фоизида II босқичда, 4,3 фоизида III босқичда (КФТ 30-59 мл / мин) мавжуд. Аҳолининг 0,4 фоизида IV ва V босқичларда СБК бор, улардан 400 000 нафари диализга яқин, 300000 нафари эса буйрак ўринбосар терапиясидадир.

AUSDIAB австралиялик эпидемиологик тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, австралияликларнинг тахминан 18 фоизида камида битта СБК белгиси бор, бу Қўшма Штатларда олинган маълумотлар билан солиштириш мумкин. Скрининг дастурлари Японияда ҳам СБКнинг дастлабки босқичларининг юқори тарқалишини аниқлади. Ўзбекистонда олиб борилган эпидемиологик тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, бизнинг мамлакатимиз учун СБК муаммоси ҳам бундан кам эмас. Сурункали буйрак етишмовчилиги белгилари сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларнинг 1/3 қисмидан кўпроғида қайд этилади; буйрак функциясининг пасайиши 60 ёшдан ошган одамларнинг 36 фоизида, меҳнатга лаёқатли ёшдаги одамларда кузатилади; 16% ҳолларда функциянинг пасайиши қайд этилади ва юрак-қон томир касалликлари мавжуд бўлганда унинг учраш даражаси 26% гача кўтарилади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Турли тадқиқотлар маълумотлари бизни аҳоли орасида буйрак касаллигининг нисбатан кам учрайдиган анъанавий тушунчасини қайта кўриб чиқишга мажбур қилади ва

ушбу тоифадаги беморларга ёрдам бериш тизимини тубдан қайта қуришни талаб қилади. Расмий статистик маълумотларга кўра, буйрак касалликлари туфайли ўлим нисбатан паст. Бу ўринбосар терапия терапияси усулларини ишлаб чиқилганлиги (диализ ва буйрак трансплантацияси), шунингдек, юрак-қон томир асоратлари буйрак функцияси бузилган беморларнинг ўлимига бевосита сабаб бўлиши (даволашнинг диализгача ва диализ босқичларида) билан боғлиқ. Сўнгги беш йилда гемодиализ муолажасини қабул қилаётган беморлар сони 25% га ортди, ва ҳозирги кунда уларнинг сони тахминан 2 млн нафарни ташкил қилади. Бундай беморларнинг энг кўп сони ривожланаётган мамлакатларда (жумладан Ўзбекистонда) қайд этилган – сўнгги 5 йил ичида беморлар сони 50% га ортган (С.Е. Хорошилов, В.Ю.Шило, ва ҳамуал., 2010).

Сурункали буйрак касаллигида томирлар тизимини ремоделланиши, касалликнинг клиник кечишига, кейинчалик эса кардиоренал синдромни ривожланишини олдини олиш билан намоён бўлади, бу эса буйраклар ва юракни биргаликдаги касаллиги ривожланишини камайтиради (Гайпов А.Э., 2013). Эпидемиологик текширишлар кўрсатдики, буйракларнинг асосий артерияларни шикастланиши, буйрак касалликларини терминал босқичидаги беморларда ўлим ҳавфини оширувчи ҳавф омил бўлиб ҳисобланади (Лындина М.Л., 2015).

Буйрак функцияси пасайган беморлар сонининг тез ўсиши юқори даражада эканлиги-бу тор соҳа мутахассислари муаммоси эмас, балки жиддий ижтимоий-иқтисодий оқибатларга олиб келадиган умумий тиббий муаммо ҳисобланади. Бу, бир томондан, нефрологик хизматни нафақат янги диализ марказларини очиш ва трансплантологияни ривожлантириш орқали, балки терминал босқичли буйрак етишмовчилигининг олдини олиш учун этиотроп, патогенетик ва нефропротектив даволашни ўтказишга қаратилган тузилмаларини мустаҳкамлаш орқали қайта қуриш ва мустаҳкамлашни талаб қилади. Бошқа томондан, профилактика чора-тадбирларини кенг йўлга қўйиш, СБКга эрта ташхисини қўйиш, даволашнинг узлуксизлигини таъминлаш ва мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш мақсадида бошқа мутахассисликлар қатори нефрология ва бирламчи тиббий-санитария ёрдамини ҳам тўлиқ уйғунлаштириш зарур. Турли хил табиатдаги нефропатияларнинг олдини олиш, ташхислаш ва даволашга ёндашувларни бирлаштиришни таъминлайдиган СБК тушунчасини ушбу муҳим соғлиқ муаммоларини ҳал қилиш учун зарур шарт-шароитларни яратади.

Бутун дунёда ва мамлакатимизда СБКни эрта ташхислашнинг катта муаммоси уни бирламчи тиббий ёрдам шифокорлари томонидан аниқлашнинг самарасизлиги бўлиб қолмоқда. Бу муаммони жуда кўп тадқиқотчиларимиз ўрганмоқда, жумладан, Б.Т.Даминов, М.А. Сабиров, Ш.С.Абдуллаев, М.М.Каримов, Д.А.Эгамбердиева, А.Л.Аляви ва бошқаларнинг ишлари катта аҳамиятга эга бўлиб, бу нафақат даволаш ва профилактика чора-тадбирлари, балки СБКни эрта аниқлашга қаратилган диагностика тадбирлари мажмуасидир. Касалликнинг ривожланишини секинлаштириш, СБК ривожланишининг олдинги босқичларини узайтириш беморларнинг ногиронлиги ва ўлимини камайтиришга ёрдам беради. Энди

башоратлаш СБК ривожланишининг дастлабки профилактикаси ва унинг шаклланишининг дастлабки босқичларида даволаш бошланганидан кўра қулайроқ бўлиши аниқ бўлди. Адабиётлар таҳлилига кўра, эрта ташхис қўйиш, шунингдек, СБК ривожланишининг олдини олиш ва диализгача бўлган даврни узайтириш учун бирламчи тиббий ёрдам даражасида тадқиқотлар ўтказиш зарур деган хулосага келиш мумкин.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган (Давлат рўйхат рақами 01980006703).

Тадқиқотнинг мақсади Соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида сурункали буйрак касаллиги билан касалланиш ва унинг авж олишида хавф омилларини аниқлаш ҳамда ташхислашни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

амбулатор шароитида СБК ташхислаш сифатини баҳолаш;

баъзи экстраренал бошқариладиган ва бошқарилмайдиган хавф омилларини аниқлаш ва уларнинг СБК ривожланишидаги башоратлилик аҳамиятини аниқлаш;

СБК ривожланиш учун хавф омил сифатида амбулатория шароитида клиник ва генеалогик хусусиятларини ўрганиш;

СБК билан оғриган беморларда қондаги цистатин С ва креатинин миқдори бўйича хисКФТни ҳисоблаш самарадорлигини баҳолаш;

СБК билан оғриган беморларда қон босими хусусиятларини ўрганиш;

соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида СБКнинг ренал ва экстраренал белгилари намоён бўлиши ўртасидаги боғлиқликни ва уларнинг касаллик авж олишида предикторлик аҳамиятини белгилаш;

олинган натижалар асосида, соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида СБКни ташхислашнинг клиник услубини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 18 ёшдан 65 ёшгача бўлган 217 киши ва 20 соғлом одамнинг клиник маълумотлари натижалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида сўров натижалари, беморларнинг насл-насаби, веноз ва капилляр қон, сийдик, буйракларнинг ультратовуш текшируви натижалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий тадқиқотни бажариш давомида анамнестик сўров, наслчиликнинг генеалогик таҳлили, лаборатор, инструментал ва статистик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор соғлиқни сақлашни бирламчи бўғини шифокорлари учун «Сурункали буйрак касаллигини эрта ташхислаш ва ривожланишини олдини олиш мақсадида компьютер дастури» ишлаб чиқилди, бу касалланиш хавфи юқори бўлган беморлар гуруҳи аниқланган;

соғлиқни сақлашни бирламчи бўғини шароитида сурункали буйрак касаллигини эрта ташхислаш паст даражада (24,88%) эканлиги ва уни

ривожланиши учун буйрак ва буйракдан ташқари хавф омиллари инобатга олинмаганлиги аниқланган;

сурункали буйрак касаллиги билан оғриган беморларга эрта ташхис қўйиш ва касаллик ривожланишини олдини олиш учун скрининг текшируви ўтказилиб, пешобда альбуминурия ва қонда креатинин миқдорини аниқлаш зарурлиги исботланган;

илк бор соғлиқни сақлашни бирламчи бўғини шароитида буйрак касаллигининг генеалогик таҳлили ўтказилди, сурункали буйрак касаллиги билан касалланган оилаларда унинг билан касалланиш юқорилиги аниқланди, бу эса касаллик ривожланишига нисбатан генетик мойиллик омилларидан бири ҳисобланиб, соғлиқни сақлашни бирламчи бўғини ва шифохона шароитидаги терапевтик бўлимларда касалликга олиб келувчи хавф омилли гуруҳлари аниқланган;

сурункали буйрак касаллиги ривожланишининг юқори предикторли хавф омиллари бўлиб кекса ёш, камқонлик, юқори артериал босим, тамаки чекиш ва қонда мочевина курсаткичи юқорилиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Соғлиқни сақлашни бирламчи бўғинида СБК ривожланиши ва касалликни кучайишида бошқариладиган ва бошқарилмайдиган хавф омилларини аниқлаш муҳим амалий аҳамиятга эгаллиги исботланган;

СБК бор оилаларда буйрак касаллиги билан касалланиш хавфи юқорилигини аниқлаш учун соғлиқни сақлашни бирламчи бўғинида насл-насабнинг генеалогик таҳлилини ўтказиш амалий аҳамиятга эгаллиги асосланган;

СБК ривожланиши кучайишини башоратловчи экстраренал омилларни аниқлаш учун СБК бор беморларни эрта босқичларида шифокор кўригида ва кўриклараро даврларда артериал қон босим бузилиши тебранишларини турғун бўлмаслиги аҳамияти асосланган;

СБК билан оғриган беморларнинг скрининг текширувида пешобда альбуминурияни ва қонда креатинин миқдорини аниқлаш, шунингдек, касалликка эрта ташхис қўйиш ва ривожланишнинг олдини олиш учун КФТни ҳисоблаш зарурлигини амалий аҳамияти исботланган;

СБКнинг эрта ташхислаш ва ривожланиши учун зарур бўлган ренал ва экстраренал хавф омилларининг предиктор аҳамияти аниқланган;

олинган натижалар асосида соғлиқни сақлашни бирламчи бўғини учун ишлаб чиқилган «СБК ривожланишининг эрта ташхислаш ва олдини олиш бўйича компьютер дастури»дан фойдаланишнинг амалий аҳамияти исботланган бўлиб, у СБК билан касалланган беморларни аниқлаш ва ривожланишининг олдини олишда амалий аҳамияти асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланиладиган замонавий тадқиқот усуллари: клиник, лаборатор-инструментал ва статистик усуллар, кузатилган беморларнинг етарли сони, олинган натижаларнинг назарий ва амалий ҳисоб-китобларга мувофиқлиги, олинган натижаларни хорижий

тадқиқотлар билан таққослаш ва маҳаллий тадқиқотлар, ваколатли тузилмалар томонидан олинган натижаларнинг хулосаси ва тасдиқланиши билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илк бора соғлиқни сақлашни бирламчи бўғини шифокорлари учун «СБК эрта ташхислаш ва ривожланишини олдини олиш мақсадида компьютер дастури» ишлаб чиқиллиши, СБКни эрта ташхислаш паст даражада эканлиги ва унинг ривожланиши учун буйрак ва буйракдан ташқари хавф омиллари ҳисобга олинмаганлиги, эрта ташхис қўйиш ва касаллик ривожланишини олдини олиш учун скрининг текшируви ўтказилишида, пешобда албуминурия ва қонда креатинин миқдорини аниқлаш зарурлиги ҳамда буйрак касаллигининг генеалогик таҳлили ўтказилиши зарурлиги, касаллик ривожланишининг юқори предикторли хавф омиллари бўлиб кекса ёш, камқонлик, юқори артериал босим, тамаки чекиш ва қонда мочевина курсаткичи юқорилиги, ренал ва экстраренал омиллар ўртасида ўзаро корреляцион боғлиқлик мавжудлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Соғлиқни сақлашни бирламчи бўғинида СБК ривожланиши ва касалликни кучайишида бошқариладиган ва бошқарилмайдиган хавф омилларини аниқлаш муҳим амалий аҳамиятга эгаллиги, касаллик бор оилаларда буйрак касаллиги билан касалланиш хавфи юқорилигини аниқлаш учун соғлиқни сақлашни бирламчи бўғинида насл-насабнинг генеалогик таҳлилинини ўтказиш амалий аҳамиятга эгаллиги, касаллик авж олишини башоратловчи экстраренал омилларни аниқлаш учун СБК бор беморларни эрта босқичларида шифокор кўригида ва кўриклараро даврларда артериал қон босим бузилиши тебранишларини турғун бўлмаслиги аҳамияти, беморларнинг скрининг текширувида пешобда албуминурияни ва қонда креатинин миқдорини аниқлаш, шунингдек, касалликка эрта ташхис қўйиш ва ривожланишнинг олдини олиш учун КФТни ҳисоблаш зарурлигини амалий аҳамияти борлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Экстраренал касалликларни ҳисобга олган ҳолда сурункали буйрак касаллиги ташхисоти ва башоратини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқот натижаларига кўра:

сурункали буйрак касаллиги ҳосил бўлиш хавфи бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Сурункали буйрак касаллиги: дастлабки босқичларида сурункали буйрак касаллиги ҳосил бўлиш хавфи» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 29 ноябрдаги 8н-р/1161-сон маълумотномаси). Ушбу услубий тавсиянома касалликнинг ривожланишини эрта ташхислаш ва олдини олиш учун бирламчи тиббий ёрдам кўрсатадиган беморларда сурункали буйрак касаллиги пайдо бўлиши ҳамда ривожланиши учун хавф омилларини аниқлаш имконини берган;

сурункали буйрак касаллиги: амбулатор шароитида коптокчалар фильтрацияси тезлиги диагностикаси бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Сурункали буйрак касаллиги: амбулатор шароитида коптокчалар фильтрацияси тезлиги диагностик аҳамияти» номли

услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 29 ноябрдаги 8н-р/1162 сонли маълумотномаси). Ушбу услубий тавсиянома касалликнинг ривожланишини эрта ташхислаш ва олдини олиш учун бирламчи тиббий ёрдам кўрсатишда беморларда сурункали буйрак касаллиги пайдо бўлиши ва ривожланиши учун хавф омили сифатида коптокчалар фильтрацияси тезлиги хусусиятларини аниқлаш имконини берган.

сурункали буйрак касалликларининг ташхиси ва оқибатини такомиллаштириш, экстраренал касалликларни ҳисобга олган ҳолда тадқиқотнинг олинган илмий натижалари бирламчи тиббий-санитария ёрдамининг амалий фаолиятига, хусусан, Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 16-сонли оилавий поликлиника, Тошкент вилояти Паркент туманидаги 48-сонли оилавий поликлиника, шунингдек, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ТТБ амалиёти умумий амалиёт шифокорлари фаолиятига киритилди. (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 23 декабрга 8н-з / 556-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижаларини бирламчи тиббий-санитария ёрдами амалиётига жорий этиш сурункали буйрак касаллигини ўз вақтида ва эрта ташхислаш имконини беради. Ишлаб чиқилган компьютер дастуридан фойдаланиш бирламчи тиббий-санитария ёрдамида етарлича ташхислай олмаслик ҳолатларини 24,88 фоиздан 12,13 фоизга қисқартиради, бу эса беморларнинг диализгача бўлган ҳаёт даври сифати ва давомийлигини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 13 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 9 та халқаро ва 4 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 166 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Илмий тадқиқот ишининг кириш қисмида ўрганилаётган муаммонинг долзарблиги, тадқиқот ишининг мавзули тадқиқот режалари билан боғлиқлиги, мақсад ва вазифалари, илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, ҳимоя қилишнинг асосий қоидалари, натижаларни соғлиқни сақлаш амалиётида жорий қилиш, диссертация апробацияси, тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар келтирилган.

Биринчи бобда (адабиётлар таҳлили) ўрганилаётган мавзу бўйича муаммонинг ҳозирги ҳолати кўриб чиқилган, турли муаллифларнинг маълумотлари таҳлили тақдим этилган, СБК билан касалланган беморларнинг

ташхисоти ва қиёсий ташхисоти бўйича етарли маълумотлар мавжуд. Иш жараёнида адабиёт манбаларидан фойдаланилган ва таҳлил қилинган.

Иккинчи бобда («**Материал ва тадқиқот усуллари**») ишда фойдаланилган материаллар ва усуллар тўғрисидаги маълумотлар келтирилган ва ишда қўлланиладиган тадқиқот усуллари танлаш асосланган. Иш кузативнонг бир неча босқичларида амалга оширилди. Биринчи босқичда бирламчи тиббий-санитария ёрдами бўйича амбулатор беморлари ўрганилди, улардан 217 (43,4%) СБК билан касалланган беморлар аниқланди. Биринчи босқичнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат эди: СБК билан оғриган беморларни аниқлаш, ўзгартириладиган ва ўзгартирилмайдиган хавф омилларининг мавжудлиги, эрта ташхис қўйиш ва Соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида олдини олиш учун СБК ривожланишига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш билан кузатилган беморларни клиник ва лаборатор текшируви, соғлиқни сақлашни сошлаш. Тадқиқотнинг иккинчи ва учинчи босқичларида натижалар уларнинг башоратли аҳамиятини аниқлаш учун назорат қилинди.

Иш 18 ёшдан 65 ёшгача бўлган 217 киши, 110 эркак (50,69%) ва 107 аёл (49,31%) ва 20 соғлом одамнинг клиник маълумотлари натижаларига асосланди (1-жадвал).

1-жадвал

Бирламчи тиббий ёрдам шифокорлари даражасида кузатилган беморларнинг ёши ва КФТ бўйича тақсимланиши (n = 217)

Текширилган гуруҳлар	n	Бемор ёши (йилда)		
		18 дан 39 гача, n=46 (21.20%)	40 дан 59 гача, n=111(51,15%)	60-65, n=60(27,65%)
1 гуруҳ КФТ 60-89 мл/мин/ 1,73м ²	n=54	9(16.67±3,4)	26(48,15±6,8)	19(35,18±5,9)
2 гуруҳ КФТ 45-59 мл/мин/ 1,73м ²	n=53	5(9,43±4,3)	28(52,83±6,9)	20(37,73±5,6)
3 гуруҳ КФТ 30-44 мл/мин/ 1,73м ²	n=58	13(22,4±7,5)	35(60,3±8,7)	10(17,2±6,6)
4 гуруҳ КФТ 15 -29 мл/мин/ 1,73м ²	n=52	19(36,5±8,4)	22(42,3±8,6)	11(21,15±6,7)

Беморларда СБК хавфини баҳолаш учун буйрак функциясининг асосий даражасига қараб, беморни текшириш маълумотларини қиёсий таҳлил қилиш, буйрак функцияси динамикасини баҳолаш, юрак хуружи ва ўлим ҳолатларини таҳлил қилиш ўтказилди, беморлар 4 та таққослаш гуруҳига бўлинган. 2012 й. KDIGO бўйича СБК КФТ тоифасига кўра: 1-гуруҳ КФТ 60-89 мл / мин / 1,73 м² (n = 54); 2-гуруҳ КФТ 45-59 мл / мин / 1,73 м² (n = 53); 3-гуруҳ КФТ 30-44 мл / мин / 1,73м² (n = 58) ва 4-гуруҳ КФТ 15 -29 мл / мин / 1,73м² (n = 52). Шунинг таъкидлаш керакки, биринчи гуруҳ илгари СБК ташхиси қўйилмаган янги ташхис қўйилган беморлардан иборат эди.

Барча беморларни клиник кўриқдан ўтказиш қўйидагиларни ўз ичига олади: беморларни ўрганиш бўйича ишлаб чиқилган сўровномалар бўйича клиник тарихни тўплаш орқали амбулатория беморларини таҳлил қилиш, жумладан:

1. Беморнинг паспорт маълумотларини, шикоятларини, анамнезини йиғиш.

2. Барча аъзолар ва тизимларни клиник объектив текширишни ўтказиш.

3. Беморларнинг умумий ҳолатини баҳолаш, стрелкали тонометр ёрдамида қон босимини ўлчаш.

Беморлардан қон намунаси стандарт шароитда, оч қоринга, нонушта қилишдан олдин эрталаб соат 8 дан 11 гача беморнинг ўтирган ёки ётган ҳолатида кубитал венадан олинган. Лаборатор текширув қўйидагиларни ўз ичига олади:

- умумий қон таҳлили

- қон зардобининг биокимёвий кўрсаткичлари

- цистатин С аниқланди

Барча беморларга сийдик таҳлиллари ўтказилди:

- сийдикнинг эрталабки қисмини умумий таҳлил қилиш, шу жумладан нисбий зичлик, глюкоза, оқсил ва сийдик чўкмасининг микроскопик аниқлаш;

- кунлик сийдикда албуминурия / протеинурияни аниқлаш

- эрталаб сийдик қисмида албумин ва креатинин миқдорини аниқлаш, уларнинг нисбати (ACR) ҳисоблаб чиқилган.

Қон, сийдик, биокимёвий тадқиқотларнинг клиник таҳлиллари стандарт усуллар бўйича ўтказилди.


Буйрақларнинг филтрлаш функциясини баҳолаш учун зардобдаги креатинин ва цистасин С концентрацияси, протеинурия (албуминурия), буйрақларнинг ультратовуш текшируви ва тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлаш ўрганилди. Буйрақларнинг филтрлаш функцияси қон зардобдаги креатинин учун MDRD (2007) формулалари ёрдамида гломеруляр филтрация тезлигини ҳисоблаш билан эндоген креатинин клиренси билан баҳоланди: $K_{FT} (\text{мл} / \text{мин} / 1,73 \text{ м}^2) = 175 \times (\text{зардоб креатинини, мкмоль/л} / 88,4)^{-1,154} \times (\text{ёш, йиллар})^{-0,203}$, аёллар учун натижа 0,742 га кўпайтирилди (<http://nefrosovet.ru/> веб-сайтида онлайн калькулятор ишлатилган). Буйрақларнинг филтрлаш функциясини аниқлашнинг иккинчи усули - Stevens L.A. et al. (2008) формуласи бўйича цистасин Снинг зардоб концентрациясидан K_{FT} ни ҳисоблашдир: $K_{FT} (\text{мл} / \text{мин} / 1,73 \text{ м}^2) = 76,7 \times \text{цистатин С}^{-1,19}$.

Буйрақлар ва сийдик пуфагининг ультратовуш текшируви буйрақлар ҳажмини, буйрак паренхимасининг қалинлиги ўлчанди, кисталар, тошлар мавжудлиги ва ҳажмини баҳолади, сийдик пуфагидаги қолдиқ сийдик миқдорини ўлчанди.

Статик тадқиқотлар стандарт клиник кўрсатмалар асосида амалга оширилди. Миқдорий маълумотлар нормал тақсимот учун ўртача арифметик (M) ± стандарт хато (m), бошқа тақсимотлар учун медиан (Md) ва кватриллар

(Q) ёки (SD) сифатида тақдим этилади. Қайта ишлаш усуллари ўзгарувчанлик статистикасининг стандарт усулларидан (ўртача қийматни ҳисоблаш, ўртача қийматнинг стандарт хатоси, стандарт оғиш, Студент t-мезони) ва параметрик бўлмаган Манн-Уитни тестидан фойдаланишни ўз ичига олади.

Учинчи бобда («Бирламчи тиббий ёрдам муассасаларида СБК ташхисоти сифати») ўз тадқиқотимиз натижаларини тақдим этилган. Ушбу тадқиқотлар шуни кўрсатдики, беморлар узоқ вақт давомида ҳолатидаги ўзгаришларни сезмадилар, бу эса нефропротектив терапия имкониятлари тугаганида, СБКни кеч аниқлашга олиб келади. Поликлиникада бирламчи бўғинда жами 500 нафар бемор тиббий кўрикдан ўтказилди. Тадқиқотда 217 нафар СБК билан касалланган бемор иштирок этди, уларнинг ўртача ёши $46,17 \pm 0,63$ йил бўлиб, улардан 163 нафарида (75,12%) барча текширилган беморларда, 54 (24,88%) биринчи марта текширувимиз давомида беморларда, СБК ташхиси аниқланган (1-расм).



1-расм. Текширилган беморлар тақсимланиши.

Янги ташхис қўйилган СБК беморлари сўровнома, анамнез ва шикоятлар асосида аниқланди. СБКга шубҳа қилиш учун сўров маълумотлари, анамнез ва шикоятлар асос бўлди. Бу креатин, қондаги мочевино, умумий сийдик таҳлили (УСТ)ни ўрганиш учун асос бўлиб хизмат қилди, бунинг натижасида бу беморларга 2-босқич СБК (КФТ 60-89 мл / мин / $1,73 \text{ м}^2$, албуминурия ва $\text{ACR} > 30 \text{ мг/г}$ мавжудлиги) ташхиси қўйилди. Бинобарин, бирламчи тиббий-санитария ёрдами шароитида СБКнинг кам ташхиси қўйилади. Бизнинг ҳолатда, ҳатто 2-босқич (КФТ 60-89 мл/мин/ $1,73 \text{ м}^2$) ўз вақтида ташхис қўйилмаган. Бу СБК ривожланишининг асосий буйрак ва экстраренал омилларини аниқлаш бўйича кейинги тадқиқотлар учун асос бўлиб хизмат қилди. Бирламчи касалликлар бўйича беморлар қуйидагича тақсимланган: кўп ҳолларда гломерулонефрит - 34,6%, диабетик нефропатия - 17,1%, тизимли касалликлар - 13,82%, сурункали

пиелонефрит 13,4%, сийдик тош касаллиги 9,7%, буйрак поликистоз касаллиги 8,3%, сурункали интерстициал нефрит 3,2%.

Барча беморларда турли хил шикоятлар бўлган, уларнинг кўпчилигида сурункали чарчаш-81,6%, апатия-56,7%, фикрлаш равшанлигининг пасайиши-55,3, иштаҳанинг пастлиги-62,7%, шиш-42,4, чанқаш - 26, 7% ва бошқалар. Кўпчилик шикоятларнинг частотаси касалликнинг босқичи ошгани сайин ортиб бораётгани аниқланди, яъни 4-гуруҳда, биринчиси билан солиштирганда, улар тез-тез учради, масалан, сурункали чарчоқ 1,41 марта, апатия 2,32 марта, фикрлаш равшанлиги 1,5 марта, иштаҳанинг пастлиги 1,92 марта қайд этилган.

Шуни таъкидлашни керакки, янги ташхис қўйилган ва илгари ташхис қўйилган беморларда 1-гуруҳга боғлиқ энг кўп учрайдиган шикоятларни кўриб чиққанда мос натижалар қайд этилган, масалан, чарчоқ, апатия, кўнгил айниши, бел соҳасидаги оғриқлар деярли сўровда қатнашган барча гуруҳларда бир хил частотада содир бўлган.

4-гуруҳдаги таққослаш гуруҳларида текширилган беморларда буйракларнинг ультратовуш текширувини ўтказишда буйракларнинг узунлиги ва кенлиги 1 ва 2-гуруҳларга қараганда мос равишда 8,3% ва 7,4% га сезиларли даражада кам ($p<0,001$), 7,8% ва 5,99% ($p<0,01$), буйрак паренхимаси қалинлиги 1, 2 ва 3-гуруҳларга нисбатан камроқ бўлган, мос равишда 11,5%, 10,6% ($p<0,001$) ва 6,5% ($p<0,026$). 3-гуруҳда буйраклар қалинлиги 1-гуруҳга қараганда 4,6% га сезиларли даражада камроқ эди ($p=0,049$). Турли ўлчамдаги буйрак кисталарини аниқлаш частотаси 4-гуруҳда 1 ва 2-гуруҳларга нисбатан 30,9% ва 18,4%, 3-гуруҳда - 1-гуруҳ билан солиштирганда 25,8% га ошди ($p<0,05$).

Шундай қилиб, бирламчи тиббий ёрдам даражасида нотўғри ташхис қўйилган, сурункали буйрак касаллиги кўпинча ривожланишининг дастлабки босқичларида аниқланмайди. Амбулатория шароитида у ноодатий аломатлар билан намоён бўлиши мумкин, шунинг учун хавф омиллари ёки турли хил асосий касалликларга чалинган беморлар учун скрининг текширувини тавсия қилиш керак.

Тўртинчи бобнинг биринчи қисмида («СБК ривожланиши учун баъзи ўзгартириладиган ва ўзгартирилмайдиган хавф омилларини аниқлаш») шикоятлар ва хавф омилларини таҳлил қилгандан сўнг, тадқиқот натижалари масалан, юрак-қон томир, гастроэнтерологик, марказий асаб тизимидан, таянч-ҳаракат тизимидан ва бошқа умумий кўринишлардан экстраренал кўринишларнинг юқори тарқалишини кўрсатди (2-жадвал). Энг тез-тез учрайдиган экстраренал кўринишлар артериал гипертензия, юрак уриши ва юракдаги узилишлар, ҳар хил интенсивликдаги бош оғриғи, бош айланиши, беморларда фикрлаш равшанлигининг пасайиши ва апатия бўлди. Гастроэнтерологик кўринишлар орасида иштаҳанинг пасайиши ва вазн йўқотиш аниқланди, параллель равишда семириш, кўнгил айниши, қусиш ва липид спектрининг бузилиши билан оғриган беморлар ҳам бор эди. Шуни таъкидлаш керакки, мушаклар ва бўғимлардаги оғриқлар, анемия синдроми ва бошқа кўринишлар ҳам ифодаланган эди.

Илгари ва янги ташхис қўйилган беморларда СБК нинг экстраренал кўринишларининг тарқалиши


СБК экстраренал белгилари		Олдин аниқланган СБК n=163(75,12%)	Илк марта аниқланган СБК n=54(24,88%)
ЮҚТТ томонидан белгилар	Артериал гипертония	77(47,24%)	34(62,96%)
	Юрак нотекис уриши	15 (9,20%)	2(3,70%)
Марказий асаб тизими томонидан белгилар	Бош оғриғи ва бош айланиши	71(43,56%)	3(5,56%)
	Фикрлаш яққоллигининг бузилиши	96(58,89%)	24(44,44%)
	Апатия	104(63,80%)	19(35,19%)
Гастроэнтерологик белгилар	Вазн йўқотиш	112(68,71%)	24(44,44%)
	Кўнгил айнаш	52(31,9%)	13(24,07%)
	Қусиш	36(22,08%)	5(9,26%)
	Гиперлипидемия	125(76,68%)	29(53,7%)
	Ортиқча тана вазни ва семириш	90(55,21%)	12 (22,22%)
Суюк-мушак тизими томонидан белгилар	Мушакларда оғриқлар	21(12,88%)	3(5,56%)
	Бўғимларда оғриқлар	18(11,04%)	4(7,41%)
Бошқа белгилар	Стоматит	18(11,04%)	3(5,56%)
	Иштаҳанинг йўқолиши, гўшт ёқтирмаслик	112(68,71%)	24(44,44%)
	Анемия	132(80,98%)	25(46,30%)
	Яқин қариндошларида СБК	11(6,75%)	7 (12,96%)

Бирламчи тиббий ёрдамда амбулатория шароитида СБК ташхисоти сифатини баҳолаш барча беморларда баъзи ўзгарувчан хавф омиллари мавжудлигини кўрсатди - тамаки чекиш 16,6%, АГ 51,15%, метаболик синдром 47%, протеинни юқори истеъмол қилиш 18,89%, инфекциялар ва сийдик чиқариш йўллари тоши 11,5%, қандли диабет 45,16% ва ўзгартирилмайдиган омиллар (III ва IV кон гуруҳлари 61,8%, эркак жинси 50,7%, қариллик 27,65%, туғма нуқсонлар ва олигоневрония 28, 6%, шу жумладан СБК бўйича ирсий касалликлар 5,07%), бу эса СБК пайдо бўлиши ва ривожланишининг юқори хавфини кўрсатади.

Янги ташхис қўйилган СБК бўлган гуруҳ ва илгари ташхис қўйилган гуруҳлар ўртасидаги хавф омилларини қиёсий таҳлил қилишда шуни таъкидлаш мумкинки, деярли барча хавф омиллари иккала тоифада ҳам бир хил частотада юзага келади. Бундан ташқари, уларнинг баъзилари I-гуруҳдаги беморларда тез-тез учрайди, масалан, гипертензия 1,33 марта,

тўғридан-тўғри қариндошларида СБК - 1,92 марта, чекиш - 1,51 марта. Бу уларнинг СБКнинг дастлабки босқичида тарқалишини тасдиқлайди.

Янги ташхис қўйилган СБК бўлган гуруҳ ва илгари ташхис қўйилган гуруҳлар ўртасидаги экстраренал кўринишларни қиёсий таҳлил қилишда биз ушбу кўрсаткичларнинг пайдо бўлишининг таққосланадиган частотасини ҳам қайд этишимиз мумкин (2-расм).



2-расм. Янги ташхис қўйилган СБК бўлган гуруҳдаги ва илгари ташхис қўйилган гуруҳлардаги буйракдан ташқари белгиларлар (n=217)

Тадқиқот натижасида бирламчи тиббий ёрдам даражасида СБКнинг экстраренал кўринишларининг кенг тарқалиши қайд этилган, бу эса СБК пайдо бўлиш ва ривожланиш хавфини ошириши мумкин.

Шундай қилиб, экстраренал кўринишларнинг тарқалиши, шунингдек, бирламчи тиббий ёрдам шифокорлари даражасида СБК шаклланиши учун хавф омилларининг юқори частотаси, уларнинг 80% ўзгартирилиши мумкин бўлган касалликнинг оғирлиги билан боғлиқ.

Тўртинчи бобнинг иккинчи қисмида («**Сурункали буйрак касаллиги билан оғриган беморларнинг генеалогик хусусиятлари**») беморларнинг насл-насабини генеалогик таҳлил қилиш натижалари келтирилган. Сўнгги йилларда генетик тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Арзон ва тежамкор усуллардан бири бу генеалогик таҳлил бўлиб, у кўпинча касалликларни башорат қилиш, ташхислаш ва адекват терапия қилишда муҳим роль ўйнайди. Генеалогик таҳлилни ўтказиш учун беморнинг насл-насабига кўра, «афсона» деб аталадиган нарса яратилган, унда фақат 1761 киши ўрганилган. Шу билан бирга, генеалогик таҳлил 1-даражали қариндошлар ва бобо-бувиларда буйрак патологияси мавжудлигини ўрганиш

учун ишлатилган. Генеалогик усул буйрак патологияси мавжудлиги учун СБК билан оғриган беморларнинг 893 та биринчи даражали қариндошларини (ота-оналари, опа-сингиллари) текшириш учун ишлатилган. Оиланинг 2-3 авлодидаги касалликлар ҳақида маълумотни ўз ичига олган батафсил насл-насаб тузилди. Пробанд оилаларида авлодларда буйрак патологияси ҳар бир концентрацияли беморларнинг умумий сонига нисбатан III - 7,49%; II - 11,06%; I - 17,43%. Амалий соғлом одамлар популяциясида юк анча кам кузатилди: III - 0%; II - 0,15%; I - 0%.

Тадқиқотларимиз натижаларига кўра, 195 (11,07 ± 3,14%) ҳолатда 1761 кишини ўрганишни ўз ичига олган 217 зотдан буйрак патологияси аниқланди (белгининг сегрегацион частотаси (SF) 0,04). Шу билан бирга, у беморларнинг оилаларида СБК ва буйрак патологиясининг юқори улушини аниқлади, бу (11,07 ± 0,51%) (3-жадвал) ташкил қилди.

Маълум бўлишича, 1-даражали қариндошлик қариндошлари 130 (14,56%) кўпроқ буйрак патологиясидан азият чекишади, бу концентра беморларнинг умумий сонига нисбатан 7,38% ни, эркаклар эса 61,53 ± 2,08% ни ташкил қилади. Олинган маълумотлар 20 та амалий соғлом одамларнинг умумлаштирилган оилавий реакцияси билан таққосланди, уларнинг намунавий популяциясида 172 киши таҳлил қилинди, улардан буйрак патологияси билан касалланиш 2,13% ни ташкил этди.

3-жадвал

Бирламчи тиббий ёрдам шифокорлари даражасида СБК билан касалланган беморларнинг насл-насабларида буйрак патологияси ва СБКни аниқлаш частотаси, n = 217


Текшириладиган гуруҳ		СКД билан оғриган беморларнинг қариндошларида буйрак касалликларининг тарқалиши n=217
Жами қариндошлар n=1761	Жами	195(11,07±3,14%)
	Эркаклар	116(59,48±5,8%)
	Аёллар	79(40,51)
Оналар n=217		20(9,22±5,8%)
Оталар n=217		28(12,90±4,19%)
Бувилар n=434	Жами	29(6,68%)
	Она томондан	11(37,93±3,3%)
	Ота томондан	18(62,07%)
Боболар n=434	Жами	36(8,29%)
	Она томондан	8(22,22±4,37%)
	Ота томондан	29(77,78%)
Ака-укалар n=459	Жами	80(17,43±5,8%)
	Эркаклар	51(63,75)
	Аёллар	29(36,25)
1-даражали яқин қариндошлар n=893		130(14,56±5,8%)

Амалий соғлом одамлар популяциясининг умумий оилавий портрети билан СБК билан оғриган беморларнинг умумий оилавий портретини қиёсий таҳлил қилиш, СБК билан оғриган қариндошларида (11,07%) буйракнинг тез-тез шикастланишини аниқлади.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, СБК ирсий мойилликка эга деб ҳисобланиши мумкин, бу уни полиген касалликларга яқинлаштиради. Шуни инобатга олган ҳолда, бирламчи тиббий-санитария ёрдамида беморларни клиник ва генетик текшириш усулларида фойдаланишни кенгроқ тавсия қилиш керак, чунки оиланинг келиб чиқишини билиш касалликнинг эрта ташхиси ва ривожланишининг олдини олишда катта ёрдам беради.

Кўрсатиш учун мисол келтирамиз: Бемор Л.Ф.нинг насл-насаби, 53 ёш, карта № 198; Ташхис: Асосий: Сурункали гломерулонефрит, аралаш шакл, 2-тип қандли диабет, оғир кечиши, декомпенсация босқичи; Қўшилиб келган касаллик: ЮИК. Стабил зўриқиш стенокардияси, ФС 1. Гипертония касаллиги 2, АГ 2, Хавф 3; Асорати: СБК 3Б босқичи, ДЭ, нафас етишмовчилиги (3-расм).

Насл-насабдан маълум бўлишича, беморнинг отаси томонидан ирсий юк бор, бобога СБК ташхиси қўйилган. Соғлом одамларнинг қариндошларига қараганда пробанднинг қариндошларида СБКнинг тез-тез шикастланиши унинг пайдо бўлишида ирсий омилларнинг муҳим ролини кўрсатади.



3-расм. Л.Ф.нинг насл-насабининг парчаси, 53 ёшда.

Изоҳ: ■ - СБК билан касалланган бемор.

Шундай қилиб, генеалогик таҳлилни ўтказиш (ушбу патологияга генетик мойиллик омилларида бири сифатида) дастлабки босқичларда СБК ташхислаш ва башоратлашни такомиллаштиради.

Тўртинчи бобнинг учинчи қисмида («Турли босқичлардаги СБК билан оғриган беморларда қон босимининг кунлик профили») касалликнинг босқичига қараб қон босими профилини ўрганиш натижалари тавсифланади. Маълумки, артериал гипертензия (АГ) СБКнинг кенг тарқалган сабабидир. Аммо кўп одамлар гипертония ҳам СБК пайдо бўлиши ва ривожланиши учун хавф омилларида бири эканлигини унутишади. Шу билан бирга, гипертония

босқичи ўтказиб юборилади, бунда СБК ривожланишининг олдини олиш ёки кечиктириш мумкин, айниқса, бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш шароитида. Қон босими 2 мм.с.у. аниқлик билан 10 дақиқалик дам олишдан сўнг ўтирган ҳолатда 3 марта тонометр ёрдамида 3 дақиқалик танаффус билан (учта ўлчовдан ўртача қон босими қайд этилган), тик турган ҳолатда 3 минутдан кейин қон босимини ўлчаш, ўтирган ҳолатда қон босимини иккинчи ўлчашдан 1 минут ўтгач, билак артерияда пульс ўлчанди. Тадқиқот босқичларида қон босимининг қабуллари ўзгарувчанлиги (САБ ва ДАБ) 3 та ўлчов (эрталаб, тушдан кейин ва кечқурун), шунингдек беморнинг уйда ўзини ўзи назорат қилишига асосланган ҚБ кўрсаткичларининг узок муддатли ўзгарувчанлиги аниқланди. Агар керак бўлса, беморларга гипотензив терапияга тузатиш киритилди. Мақсадли қон босими даражаси САБ < 140 мм.с.у., ДАБ < 90 мм.с.у. деб ҳисобланган. Дастлабки босқичда барча текширилганларнинг 111 (51,15%) беморда турли кўрсаткичларда гипертензия мавжудлиги ва ўртача 154,5 / 85,78 мм.с.у. ни ташкил этди. Шу билан бирга, барча текширилган (n = 217) беморларнинг 33 (15,2%) СБК пайдо бўлиши ва ривожланишига аллақачон таъсир кўрсатган гипертензия мавжудлиги ҳақида ҳатто билишмаган.

Ривожланиш даражасига кўра, АГ куйидагича тақсимланган: 25 (22,52%) беморда 1 даражали АГ аниқланган; АГ 2 даража - 67 (60,36%) беморда; 3 даражали АГ - 19 (17,12%) беморда, шу жумладан 12 эркак (63,16%), 7 аёл (36,84%). Шу билан бирга, унинг давомийлиги ҳам ҳар хил бўлиб, 20 йилгача бўлган муддат 36 тасида (32,43%), 20 йилдан ортиқ – 42 беморда (37,84%) (4-жадвал) қайд этилган.

4-жадвал

Гуруҳлар бўйича текширилганларда АГ тақсимланиши, n=217

Клиник кўрсаткичлар	1-гуруҳ КФТ 60-89 мл/мин/ 1,73м ² (n=54)	2-гуруҳ КФТ 45-59 мл/мин/ 1,73м ² (n=53)	3-гуруҳ КФТ 30-44 мл/мин/ 1,73м ² (n=58)	4-гуруҳ КФТ 15-29 мл/мин/ 1,73м ² (n=52)
АГ 1 даража, n=25 (22,52%)	10 (40%)	6 (24%)	7 (28%)	2 (8%)**
Эркаклар, n=14 (56%)	4 (28,57%)	3 (21,43%)	5 (35,71%)	2 (14,29%)
Аёллар, n=11 (44%)	6 (54,5%)	3 (27,3%)	2 (18,2%)	-
АГ 2 даража, n=67 (60,36%)	19 (28,36%)	18 (26,86%)	16 (23,88%)	14 (20,89%)
Эркаклар, n=35 (52,24%)	11 (31,43%)	10 (28,57%)	9 (25,71%)	5 (14,28%)
Аёллар, n=32 (47,76%)	8 (25,0%)	8 (25,0%)	7 (21,87%)	9 (28,13%)
АГ 3 даража, n=19 (17,12%)	5(26,31%)	5(26,31%)	5(26,31%)	4 (21,05%)*
Эркаклар, n=12 (63,16%)	3(25,0%)	3(25,0%)	3(25,0%)	3(25,0%)
Аёллар, n=7 (36,84%)	2(28,57%)	2(28,57%)	2(28,57%)	1 (14,29%)
АГ давомийлиги				
10-20 йил, n=36	7 (19,44%)	8 (22,22%)	11 (30,56%)	10 (27,78%)
20 йилдан ортиқ, n=42	5 (11,90%)	9 (21,43%)	13 (30,95%)	15 (35,71%)

Изоҳ: *-(p1-4<0,05), **-(p1-4<0,01).

Биз АГ даражасининг СБК босқичига боғлиқлигини аниқладик - СБКнинг 4 босқичида СБКнинг 2 босқичи билан солиштирганда, АГни 1 даражасида қайд этиш частотаси 3,1 марта камайди (p1-4<0,01), АГ 3 даражасида эса 2,9 марта ошди (p1-4<0,05). Ўртача систолик қон босими 4-

гуруҳда 1-гуруҳга нисбатан 9,2% ($p_{1-4} < 0,001$) ва 17,0% ($p_{1-4} < 0,001$) билан солиштирганда сезиларли даражада юқори эди; 2-гуруҳ билан - мос равишда 6,3% ($p_{2-4} = 0,001$) ва 9,4% ($p_{2-4} = 0,01$); САБ даражаси 3-гуруҳдаги беморларда 1-гуруҳга нисбатан 6,4% ($p_{1-3} = 0,002$) ва 14,3% ($p_{1-3} = 0,007$) билан солиштирганда юқори эди. Босқичнинг ўсиши билан САБ ва ДАБ ўртача қийматларининг сезиларли ўсиши қайд этилди.

Ушбу беморларда ташрифлараро ва узоқ муддатли ўзгарувчанлик (УМЎ) ҳам аниқланган. Ташрифлараро ҚБ ўзгарувчанлиги бирламчи тиббий ёрдам шароитида дастлабки текширувда кетма-кет ўлчовлар ўртасидаги мутлақ фарқ сифатида қабул қилинди.


2009 йилги ВНОК клиник кўрсатмаларида 5 мм.с.у.дан ортиқ биринчи ва иккинчи ўлчовлар орасидаги фарқ ишончли ҳисобланади.

Шу билан бирга, 5 мм.с.у.дан ортиқ 1 ва 2 ўлчовлар ўртасида САБ фарқи бўлган субъектлар сони. Арт. 79 беморни (71,17%) ташкил этди. 2 ва 3-ўлчовлар ўртасидаги фарқ 77 кишида (69,37%) ва 1 ва 3-ўлчовлар ўртасида - 87 кишида (78,38%) кузатилди, кетма-кет ўлчовлар билан улар турли йўналишларга эга эди. Биз такрорий ўлчовлар пайтида қон босимининг ўзгариши учун 4 та вариантни аниқладик. 2 ва 3-ўлчовларда САБнинг изчил ўсиши 34 беморда (30,63% ҳолларда) кузатилди. 5 мм.с.у.дан ортиқ такрорий ўлчовлар билан қон босимининг пасайиши 22 (19,82%) беморда қайд этилган. 5 мм.с.у.дан ортиқ фарқ йўқлиги билан касалланиш ўлчовлар орасидаги 23 беморда кузатилган, бу 20,72% ни ташкил қилади. 32 беморда (28,83% ҳолларда) ўлчовлар орасидаги қон босимининг кўп йўналишли тебранишлари қайд этилган, масалан, САБнинг 2чи ўлчовда ўсиши ва 3-ўлчовда пасайиши - 5,41% ҳолларда (6 беморда); 2да пасайиш ва 3да ўсиш - 18,02% ҳолларда (20 беморда), 2-ўлчовда САБ ўзгармади ва 3-ўлчовда пасайиш - 4 (3,6%) ҳолатда ва 2-ўлчовда САБ қийматининг ошиши ва 3-ўлчовда - 2 (1,8%) ҳолатда ўзгармади.

Қон босимининг такрорий ўлчовларга жавобига қараб, биз қон босимининг ўзгарувчанлиги (ҚБЎ)нинг уч турини аниқладик. 1-тоифа 3-ўлчовдаги САБнинг 1чи САБ қиймати билан солиштирганда ортиши билан тавсифланган. Ушбу турдаги касалланиш барча гипертензия ҳолатларининг 58 тасини (52,25%) ташкил этди. 2-турда 1-ўлчовдаги САБ қиймати 3-га қараганда юқори эди. Учинчи тур 5 мм.с.у.га етмаган такрорий ўлчовлар пайтида систолик қон босимидаги фарқларни ўз ичига олади. Ушбу турларнинг учраши ҳар бирида 23,42% ни ташкил этди.

Беморларни ҚБЎ турига кўра ажратиш бизга организмнинг такрорий ўлчовларга жавобини яхшироқ таҳлил қилиш ва бошқа кўрсаткичлар билан боғлиқликни баҳолаш имконини берди. Антигипертензив терапияга гипотензив дорилар киритилган бўлиб, гипертензияни даволаш мақсадида қунига битта антигипертензив дори 28 (25,23%) бемор томонидан қабул қилинган, иккита дори комбинацияланган давоси - 19 (17,12%) бемор, учта дорининг комбинацияланган терапияси - 7 (6,31%) беморлар, тўртта дори комбинацияланган даволаш 2 (1,8%) бемор, беш дори комбинацияланган даволаш - 1 (0,9%) бемор қобул қилган.

2 ва 3-босқичларда узоқ муддатли ўзгарувчанлик баҳоланди. Беморларни ўз-ўзини назорат қилиш ва қон босими маълумотларини ҳисобга олган ҳолда узоқ муддатли ва ташрифлараро ўзгарувчанликни ўрганишда 57 (51,35%) беморда мақсадли ҚБ қийматларига эришилди, бу 140 ва 90 мм.с.у.ни ташкил этди, қолган беморларда АГ дастлабки текширувда қон босими даражасидан пастроққа барқарорлашди (4-расм). Шу билан бирга, қон босимининг мақсадли қийматларини узайтириш (1 ва 2-гуруҳлардаги беморларда) ва тормозлашни (3 ва 4-гуруҳлардаги беморларда) Ушбу беморларда КФТ барқарорлаштириш билан намоён бўлган СБК ривожланишини камайитиришга имкон берди. Шунини таъкидлаш керакки, 54 (48,69%) беморда ташрифлараро ўзгарувчанликни баҳолашда ўртача > 6,5 мм.с.у. (САБ) фарқ бор эди, бу прогностик жиҳатдан ноқулай экстраренал омил бўлиши мумкин бўлган СБК босқичининг ривожланиши учун ишончли мезон ($p < 0,001$) ҳисобланади.



4-расм. 12 ойдан кейин ташрифлараро ўзгарувчанликни таҳлил қилиш натижалари.

